2009 ЙИЛ, 14 АВГУСТ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 160 (11.471) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТЕНГИ ЙЎҚ МАФТУНКОР ШАҲАР

Халқимиз удумига кўра тўйга тўёна билан борилади. Деҳқонларимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этиб, яқинлашиб келаётган байрамларимизга катта туҳфа ҳозирладилар.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида фойдаланишга топширилаётган янгидан-янги мактаблар, коллежлар, уй-жойлар, маданий-маърифий муассасалар, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари, кўприклар, йўллар ҳам шодиёналарга муносиб совғадир.

Айниқса, пойтахтимизда борилаётган кенг кўламли янгиланишлар, бунёдкорлик ишларининг суръати вақтни-да шошириб қўядиган даражада ҳайратланарли.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилаётган ишлар натижасида бугун шаҳар янада чирой очиб, аввалгидан ҳам ёрқинроқ гўзаллик ва тароват касб этаётир.

Шаҳарнинг замонавий қиёфасини шакллантиришда миллий ва замонавий меъморлик ечимларининг энг илғор ютуқларидан унумли фойдаланилди. Бундай залворли ўзгаришлар жараёнида кўплаб йўлўтказгичлар ишга туширилди, ҳалқа йўллари ва кўприклар, боғлар, ноёб обидалар барпо этилди. Бозорлар, аэропорт ва вокзал бинолари деярли қайта қурилди. Замонавий меҳмонхоналар, маданият саройлари, музейлар, банклар, спорт мажмуалари қад кўтарди.

Йигирма икки асрлик тарихга эга Тошкент бугун ўзининг ҳусну тароватти, бетакрор замонавий иншоотлари, гўзал боғлари билан жаҳоннинг энг ривожланган ва чиройли шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Пойтахтимизнинг Шарқ дарвозаси, Тинчлик шаҳри, Дўстлик шаҳри, Нон шаҳри сифатидаги шуҳрати бутун оламга ёйилган.

Тошкентнинг хуш ҳавоси, мафтункор табиати, фусункор боғлари меҳр-муҳаббат ила мадҳ этилгани, жўшқин анҳор ва сойлари, мусаффо булоқларининг зилол ва шифобахш сувлари ҳақида тарихий манбаларда гўзал таърифу тавсифлар битилгани бежиз эмас.

Ўн олтинчи асрда яшаб ўтган тарихчи ва шоир Зайниддин Восифий «Бадоеъ-ул-вақоеъ» асарида Тошкент таърифига алоҳида тўхталади. «Тошкент ва унинг боғу роғлари васфида» деб номланган қасидасида унинг тиниқ сувлари, сўлим боғу роғлари, ширин мевалари, ҳайратомуз биноларини завқ билан тасвирлайди:

Сувларини кўрганда бу оби ҳаёт,
Тортиниб зулматга яширинди бот.
Бурак анҳорларининг сувлари равон,
Жаннат боғларида салсабилсумон.
Ҳусайний узумин қилгин томошо,
Дурдона янглиғ кўп қимматбаҳо.

Ҳа, ҳар қандай кишини ўзига мафтун этувчи Тошкентимиз малоҳати олдида қойил қолиб, битилган бундай таърифу тавсифларни яна кўплаб келтириш мумкин. Пойтахтимизнинг бугунги жамоли, кўрку малоҳати ҳам ижод аҳли учун чексиз илҳом ва ижод манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Умумхалқ ҳашари

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ

15-16 август кунлари пойтахтимизда, бутун республикадаги каби, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини ҳамда азим шаҳримизнинг 2200 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга йўналтирилган умумхалқ ҳашари ўтказилади.

Дарҳақиқат, барчамиз учун бирдек бу қутлуғ байрамларга саноқли кунлар қолди. Анъанага кўра, байрам арафасида уйларимиз, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз — диёримизнинг ҳар бир гўшасини кўркам ва обод қилишга йўғрилган саъй-ҳаракатлар қизғин. Мамлакатимиз бош шаҳри — азим пойтахтимизни ҳар доимгидек бундай шодиёналар олди катта қурилиш майдонига таққослаш мумкин. Мустақиллик байрамига ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига қурувчилар муносиб туҳфа тайёрламоқда. Шаҳримизнинг ўзида янги ва замонавий руҳда қайта барпо этилаётган 100 дан зиёд объектлар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, деярли ҳар бир туман, кўплаб маҳаллалар ҳудудида ижтимоий-маиший ва маданий аҳамиятга эга янги иншоотлар очилиши кутилмоқда.

Айни кунларда давом этаётган ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида 15-16 август кунлари республикамиз бўйлаб умумхалқ ҳаракати сифатида оммавий ҳашар бўлиб ўтади. Шубҳасиз, бу хайрия кунлари кишиларимиз кайфияти ва саъй-ҳаракатларида халқимизга хос бўлган саховат-пешалик, меҳр-мурувват, ҳамжиҳатлик каби олижаноб хусусиятлар намоён бўлади.

Айтиб ўтиш жоизки, пойтахтимизда байрамга тараддудлар анча илгари бошланди. Бу борада ташаббусни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлаб берди десак, муболаға бўлмайди. «Менинг уйим, менинг маҳаллам, менинг шаҳрим, менинг юртим», «Тошкент шаҳрим – гўзал маконим» шиорлари остида камолотчилар ўз сафларига юзлаб ёшларни бирлаштириб, пойтахтимиздаги турар жой мавзелари ҳудудларида кенг қамровли ободонлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

Анъанага кўра, умумхалқ ҳашари кунлари асосий мувофиқлаштириш ишлари республика, вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида «Маҳалла» жамғармаси томонидан олиб борилади. Эрта билан то кечгача икки кун давомида жойларда амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб қилувчи махсус ишчи гуруҳи фаолият юритади. Бу борада пойтахт ҳашар гуруҳи ўз ишини аввалидан бошлаб, 233-02-46, 236-79-01 телефонлари орқали хайрия ишларига оид барча ташкилий ишларда кўмак беришга шайланган.

(Давоми 2-бетда).

«ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ МУҲИМ ЎРНИ»

Яқинда Франциянинг етакчи электрон нашрларидан бири «Les milieux des Empires»да мазкур нашр бош муҳаррири Сильви д'Изарннинг ана шундай сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Мақола жорий йилнинг июль ойида Тошкентда муаллиф иштирок этган бугунги парламентаризм мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция якунлари ҳақида. "Тадбир Хитой, Ҳиндистон, Корея, Малайзия, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Марказий Осий давлатларининг вакилларига Ўзбекистон фуқароларининг мамлакат сиёсий ҳаётини демократлаштиришдаги иштирокини ўрганиш имкониятини берди", - дея таъкидланади француз нашрида.

Мақолада Ўзбекистонда 2009 йил декабрь ойида ўтказиладиган парламент сайловлари ўзида сайлов қонунчилигининг янги босқичини ифодалаши қайд этилади. "Мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар муваффақият билан амалга оширилмоқда, икки палатали қонун чиқарувчи ҳокимият эса бу соҳага янгича ҳаёт бағишлайди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилган. Бунга мисол сифатида бундан буён қонунчиликда ҳам ўз аксини топган «Хабеас корпус» институти фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кучайтиради. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилди. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказининг ташкил этилиши ушбу тизимнинг мустақиллигини кафолатлайди".

Франциялик журналистнинг мақоласида Ўзбекистонда матбуотни либераллаштириш масалаларига ҳам тўхтаб ўтилган. "Нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги мавжуд камчиликлар ҳақида аҳолини хабардор қилишда улкан аҳамият касб этади. Навбатдаги муҳим йўналиш минтақавий теле ва радиостанциялар ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғини ташкил этишдан иборат.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистон миллий таълим ва замонавий технологияларга эътиборни кучайтирмоқда, деб ёзади нашр. Бундан ташқари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва истеъдодли болаларга молиявий кўмак бериш дастурини амалга ошириш бўйича кўплаб саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Олий таълим тизимида ва илмий-тадқиқот институтларида халқаро ҳамкорлик ва экспертлар алмашиш кенгаймоқда.

Халқларнинг ўз маданиятини ривожлантириш ва ўз тилини ўрганиш истаги ва интилиши эътиборга олинганда, маданият соҳаси ҳам муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси туфайли минтақавий ташкилотларда янги ғояларга илҳомлантирувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин", — дейилади мақолада.

«Les milieux des Empires»да нашр қилинган ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги сўзлари билан якунланади: "Эртанги кунимизни яратар эканмиз, биз миллатимизнинг тарихий меросига, унинг ахлоқий ва маънавий манбаларига – буюк аждодларимизнинг ноёб тажрибасига таянамиз. Замонавий дунёда яшаётганимизга қарамасдан, биз буюк аждодларимизнинг ғояларини асраймиз ва сақлаймиз, уларнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, ишонч ва эътиқодлари ортидан борамиз".

«Жаҳон» АА, Париж

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** шаҳримиздаги олий таълим муассасаларида 2009-2010 ўқув йили учун тест натижалари эълон қилинди.

✓ **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлигида автотранспорт воситаларини сотиб олишнинг ҳуқуқий асосларини автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига тушунтириб бериш мақсадида ташкил этилган тадбирда туман ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари, нотариал идоралар нотариуслари, ҳуқуқшунослар, туман фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги «Тўйтепа» номли маҳаллада маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Инсон онги ва миллий мафкура» деб номланди.

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» VII халқаро мусиқа фестивали олдидан матбуот анжумани ўтказилди. Таниқли санъат намояндалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган анжуманда таъкидланишича, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида дунёнинг 60 дан зиёд давлатидан бадиий жамоалар, миллий мусиқа ва санъат ижрочилари иштирок этиш истагини билдирган, шунингдек тадбирда илк бор Мексика ва Коста-Рикадан вакиллар қатнашади.**
- **Наманганда янги ўқув йили олдидан анъанавий «Мактаб бозорлари» ташкил этилди. Айни пайтда вилоят «Матлубот савдо» акциядорлик компанияси томонидан уюштирилган 37 та шундай ярмарка аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.**
- **Жиззах вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2010-2020 йилларга мўлжалланган вилоят сув қувурлари ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 178 миллиард сўмни ташкил этади.**
- **Тошкент Фотосуратлар уйида пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан «Шарқ китобат санъати» деб номланган нодир китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Экспозицияда азим шаҳримизнинг қадимий тарихи, маданияти ва турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи 300 га яқин бадиий асар ҳамда илмий рисола намойиш этилмоқда.**
- **Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театрида драматург Абдулла Жабборовнинг «Кўрголи келдим...» мусиқали драмаси саҳналаштирилди. Янги спектаклда шоир Машрабнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади.**
- **Бухорода «Камолот» ЁИҲ, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида «Ёш тадбиркор—юртга мададкор» танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини кенг йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш каби мақсадлар кўзда тутилган танловда 22 нафар ишбилармон ўз бизнес- лойиҳалари билан қатнашди.**

ЖАҲОНДА

- **Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев ва Германия федерал канцлери Ангела Меркель бугун Сочида ҳар иккала давлат ўртасида стратегик шерикликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар.**
- **Молдовада бошқарувчи коалиция етакчилари давлат юқори лавозимларини тақсимлаш тўғрисида келишиб олдилар.**
- **Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай президент сайловлари кунида армияга ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ҳақида буйруқ берди.**
- **Кеча Доғистоннинг Бўйноқ шаҳри атрофида бир гуруҳ жангарилар милиция постига яқинлашиб тўрт нафар тартиб посбонини отиб ўлдирдилар, сўнгра яқин атрофдаги оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган еттита қизнинг ҳам ҳаётларига зомин бўлдилар. Ҳозирда жангарилар гуруҳини ушлаш юзасидан бир нечта қидирув гуруҳлари тузилиб, қидириш ишлари бошлаб юборилган.**
- **Японияннинг етакчи автомобиль компаниялари 2009 молиявий йилида мамлакат ички бозорида сотиладиган автомобилларни 3.1 фоизга оширишга ҳаракат қилмоқдалар.**
- **АҚШнинг Калифорния штатида ўрмон ёнғинлари яна авжига чиқди. Хусусан, кеча Санта-Круз шаҳридан 2,5 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди.**
- **Жаҳоннинг етакчи биржаларида кеча ўтказилган савдоларда нефтнинг нархи бир оз кўтарилганлиги кузатилди. Хусусан Лондон биржасида бир баррел нефть нархи 73,48 долларни ташкил этган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 70,85 доллардан иборат бўлди.**
- **Непалнинг тоғли туманида автобуснинг 3 метр баландликдан жарга қулаши оқибатида 11 киши ҳалок бўлган, 50 киши тан жароҳатлари олган. Жабрланганлардан 10 нафарининг аҳволи оғирлиги айтилмоқда.**
- **Хитойнинг Цзянси музофотида икки бошли кўзойнакли илон дунёга келди. Антиқа жонзотнинг ҳар икки бошида бир жуфтдан кўз жойлашган. Маълумотларга кўра, ҳозир митти илоннинг аҳволи қониқарли даражада ва узунлиги 30 сантиметрга етган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ғайриоддий ҳодиса ривожланиш жараёнидаги нуқсонлар туфайли содир бўлган.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда ёз ҳукмронлик қилаётган шу кезларда пойтахтимизнинг соя-салқин боғлари, файзли хиёбонлари жонимизга оро киради. Турли дов -дарахтлар, гулу чаманзорлар баҳри дилингизни очади.

Пойтахтимизда транспорт-коммуникация тизими ,изчил такомиллаштирилаётгани, халқаро талабларга мос йўл ва йўл ўтказгичлар, транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчиларга қатор қулайликлар яратмоқда. Айниқса, тирбанд чорраҳаларда бунёд этилган ўнлаб кўприклар аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил, вақт ва маблағини тежаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш баробарида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумотларга қараганда, пойтахт коммуникация тизимида амалга оширилган ислоҳотлар туфайли транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газлар миқдори 1990 йилга нисбатан 25 фоизга камайган. Вақоланки, Тошкент кўчаларида 1990 йилга нисбатан 1,8 баравар кўп транспорт воситаси ҳаракатланмоқда.

Яшил ҳудудлар ва фавваларни кўпайтириш орқали шаҳарда салқин микроиқлим ҳосил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан сўнгги ўн йилнинг ўзида пойтахтимизда уч минг гектардан ортиқ майдонда янги боғ-роғлар яратилди. Қўшимча равишда минг гектардан зиёд ҳудуд гулзорга айлантирилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг 15 минг гектардан зиёд ҳудудини яшил майдонлар ташкил этади. Бу пойтахт заминининг 30 фоизи демакдир. Истиқлол йилларида шаҳарда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўкаламзорлаштирилган ҳудуд 21,5 квадрат метрга ортиб, 69 квадрат метрни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич бўйича пойтахтимиз Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сиэтл каби кўплаб шаҳарларни ортда қолдирди.

Кўкаламзорлаштириш ишларига бу тахлит катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда ўсимликларнинг аҳамияти беқиёс. Ўсимликлар, дов-дарахтлар киши руҳиятига, кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, ҳавони зарарли газлардан тозалайди, чанг ва ғуборларни ушлаб қолади, шовқинни камайтиради. Мутахассисларнинг айтишича, бир гектар майдондаги дарахтзор йилига 54 тонна чангни ютиб, 5 тонна углерод II оксидини ушлаб қолар экан. Ҳавонинг зарарли микрофлора билан тўйинишини 40-45 фоизга камайтиради. Кенг кўламда кўкаламзорлаштирилган ҳудудда ҳаво ҳарорати очиқ жойларга нисбатан 16 даража салқин бўлади.

XXI аср Тошкентининг ўсимлик олами бой. Бу ерда 190 турдан ортиқ дарахт ва 30 хилдан зиёд бута ўсади. Ҳозир шаҳарда 6 миллиондан ортиқ дарахт, 2 миллиондан зиёд бута мавжуд. Уларнинг катта қисмини игнабаргли дарахтлар, каштан, чинор, мажнунтол, япон сафораси, қарағай, эман, заранг, қайрағоч ташкил этади.

Кўкаламзорлаштириш ишлари жараёнида, аввало, ҳавони кислород билан бойитадиган эман, қарағай, каштан, қайин, япон сафораси, мажнунтол каби дарахтларни, одамга эстетик завқ берадиган манзарали буталарни кўпроқ экишга эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг баҳорида пойтахтимизда 270 мингдан зиёд ана шундай манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, 167 мингдан кўпроқ бута кўчатлари ўтказилди. Қарийб беш миллион дона бир йиллик ва кўп йиллик гул кўчатлари экилди.

Мустақиллик майдони сержило пойтахтимизнинг жавоҳири янглиғ барчани ўзига ром этади. Бу ердаги турфа гул, бута ва дарахтлар, заррин фавваралар кўнгилларга хотиржамлик ва ором бағишлайди. Маҳаллий дарахт, бута, гуллардан ташқари хориждан келтирилган 95 хил ўсимлик майдон ҳуснига чирой қўшган. Жанубий Америкада ўсадиган, баландлиги юз метргача етиб, олти юз йилдан кўпроқ яшайдиган "Секвоя", "Дендрогигант" каби игнабаргли дарахтлар шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» очиқ акциядорлик жамиятида манзарали, игнабаргли дарахтлар, гул кўчатлари иқлим шароитимизга мослиги, гуллаш даври ва ранги алоҳида эътиборга олинган ҳолда кўпайтирилмоқда. Жамият ихтиёридаги майдонда қарийб икки юз хил манзарали, бутасимон дарахт кўчатлари ва гуллар парваришланмоқда. Тяньшань арчаси, зангори арча, эҳромсимон эман, оқ қайин, пальма, каштан, япон сафораси, астра, сальвия, антиринум, петуния, бегония, гладиолус сингари ноёб ўсимликлар шулар жумласидандир.

Жамият боғбондари ва гулчилари тупроқ танламайдиган, қурғоқчиликка чидамли, экологик мусаффоликни таъминлашга хизмат қиладиган манзарали ва доривор дарахтлар сонини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, япон беҳиси, япон сафораси, каштан кўчатлари шаҳримизда тобора кўпаяётгани атроф-муҳит мусаффолигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тошкентнинг боғ ва хиёбонлари пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг энг севимли масканларидир. Бугунги кунда шаҳардаги мавжуд 12 та маданият ва истироҳат боғининг умумий майдони 168,16 гектарни ташкил этади. Мазкур боғларда 25,69 гектарлик сув ҳавзалари мавжуд, 135 дан зиёд аттракцион ишлаб турибди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғлари 1 соатда 10 мингга яқин дам олувчини қабул қилиш имкониятига эга. Айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида боғлар янада гавжумлашган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Мирзо Улуғбек, Бобур, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғлари янгича қиёфа касб этди, Аквапарк бунёд этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи тубдан қайта шаклланди – бу ерда реконструкция, қурилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Аҳамиятлиси, бу жараёнда «экоархитектура»дан кенг фойдаланилди. Табиий, экологик тоза ва замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган қурилиш воситалари қўлланилди. Боғнинг ҳудуди 16 гектарга кенгайтирилди. Бу ердаги кўлнинг асл кўриниши сақлаб қолинган ҳолда дренаж тармоқлари янгиланди. Кўл сувини мунтазам янгилаб, тозалигини таъминлаш имконини берадиган тўрт босқичли махсус сув тозалагич иншооти барпо этилди.

Мазкур боғ нафақат юртдошларимиз табиат гўзаллигидан баҳра оладиган, балки Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамлари нишонланадиган, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган файзли масканга айланган.

Ҳозир Фурқат ва Зафар Диёр номидаги маданият ва истироҳат боғларида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Барча боғларда пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган файзли масканга айланган.

Ҳозир Фурқат ва Зафар Диёр номидаги маданият ва истироҳат боғларида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Барча боғларда пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган файзли масканга айланган. Мактаб ўқувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун спорт секциялари ташкил этилган.

Маълумки, қушлар экологик ҳолатнинг яхшилигини белгиловчи ўзига хос индикатор ҳисобланади. Тошкент боғларида булбулларнинг хониш қилиши, жиғалтой, тошқирғий, қамиш машаги, кўктарғоқ, заҳилдоқ каби қушларнинг ин қуриб, яшаётгани бу ернинг тинч-осойишта, экологик муҳити барқарор, ҳавоси ва суви тоза, ўсимликларга бой ҳудуд эканидан далолатдир. Қувонарлиси, бугун шаҳримиз истироҳат боғлари, хиёбонларида олмахонлар ҳам кўпаймоқда.

Лайлак азалдан тинчлик, эзгулик, файз ва барака рамзи ҳисобланади. Бундай хосиятли қушларнинг диёримизни макон тутиши юртимиздаги тинчлик-осойишталик, қут-баракадан дарак беради.

Ҳа, бугун Тошкент нафақат юксак сиёсий ва маданий нуфузи, бой ўтмиши ва бетакрор тарихий обидалари, замонавий инфраструктураси, балки табиат ато этган малоҳатини йўқотмай келаётган, яшилликка, гулларга бурканган жаннатмонанд шаҳар эканлиги билан ҳам олам аҳлининг эътиборини тортаётир. Бу мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пойтахтимизда инсон манфаатларини таъминлаш, унинг қулай ва соғлом ҳаёт кечиришига йўналтирилган экологик соғлом муҳитни қарор топтириш, улкан бунёдкорлик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бераётган юксак самаралардандир.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ТЕНГИ ЙЎҚ МАФТУНКОР ШАҲАР



ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дастлабки олинган маълумотларга қараганда, пойтахтимизда ҳашар тадбирларида бир миллиондан зиёд аҳоли, шу жумладан 700 мингдан кўп ёшларимиз иштирок этиши кутилмоқда. Бу кунлари асосий эътибор маҳаллаларимиз ободончилигига қаратилиб, айни пайтда кенг кўламда олиб борилаётган кўп қаватли уйлар ташқи кўриниши ва йўлакларини таъмирлаш, асфальт ётқизиш, спорт ва ўйингоҳ майдончаларини тартибга келтириш ишлари ҳам давом эттирилади. Шубҳа йўқки, ҳашарда каттаю кичик фаол иштирок этади ва албатта, бу борада катта авлод вакиллари ўрнак кўрсатишади. «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси кўмагида ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда барча зиёратгоҳларда ҳашар тадбирларига бошчилик қилишни ўз зиммасига олган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига асосан бугунги кунда пойтахтимиздаги 20 та бозор ва уларнинг шохобчаларида ҳам таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, шунингдек вилоятлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик ярмаркалари учун қўшимча расталар қурилаётир. Байрам арафасида шаҳримизда яна битта қурилиш бозори иш бошлайди. Дарвоқе, шу объектда ҳамда топширилиши режалаштирилаётган бир нечта янги мактаб, коллеж ва лицей, олий ўқув юртларини барпо этишда ҳамда ободонлаштириш ишларида «Бунёдкор—2009» ҳаракатига бирлашган талаба-ёшлар меҳнат гуруҳлари қурувчиларимизга яқиндан мадад бўлмоқда.

Албатта, ҳашар анъаналарига кўра, икки кун давомида хайрия акцияларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламига моддий ва маънавий кўмак кўрсатилади, шу жумладан ёлғизлар, жисмоний имконияти чекланган кишилар хонадонлари ҳамда «Мурувват», «Саховат», Меҳрибонлик уйлари таъмирланиб, ободонлаштирилади.

Ҳашар — халқимизнинг қадимий анъанаси. Азалдан шундай бўлиб келганки, ҳашар байрам кунлари, шунингдек, қалб даъвати билан — қачонки муҳтожга ёрдам кўрсатиш зарур бўлса ёки биргаликда ўз уйимиз, ўз кўчамиз, ўз маҳалламизни ободонлаштиришга шай бўлганимизда ўтказилади. Халқимиз учун муқаддас бўлган Мустақиллик куни олдидан ўтказилаётган икки кунлик ҳашар, шубҳасиз, барча саъй-ҳаракатларимизга кўтаринкилик бахш этиб, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг янада обод ва гўзал бўлишига хизмат қилади.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

Мустақиллик — тақдиримда

БУЮК НЕЪМАТ БЕРГАН БАХТ

• Муҳаббат ТОШМУҲАМЕДОВА, «NURAFSHON NUR» хусусий корхонаси раҳбари:

— Мустақиллик байрами яқинлашгани сари қалбимни ўзгача завқ, ўзгача шукуҳ қамраб олади. Чунки ота-боболаримиз орзу қилган Истиқлолга биз эришдик, унинг неъматларидан баҳраманд бўлаяпмиз. Шу боис ҳам Мустақилликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Мен ҳам тадбиркор аёллар сафида эркин фаолият кўрсатаётганимдан, иқтисодиётимиз равнақига муносиб улуш қўшаётганимдан, ватандошларим корига яраётганимдан, хотин-қизлар учун ишчи ўринлари яратаётганимдан бениҳоя хурсандман. Аввало ҳукуматимиз, Президентимизнинг биз учун яратаётган ҳар бир имкониятидан баҳраманд бўлган ҳолда меҳнат қилаётганимдан, ўз бизнесимни муваффақиятли амалга ошираётганимдан, юртимга фойдам тегаётганидан фахрланаман. Ушбу фахрланиш туйғуси билан Мустақиллик шарофатидан, озод ва обод юртим жамолидан баҳраманд бўлаяпман.

Энг улуғ ва энг азиз шодиёна — Истиқлол байрами ўзгача шукуҳ олиб келадиган кунлар яқинлашаётгани бизни янада баракали меҳнат қилишга ундамоқда. Энг муҳими эса меҳнатларимиз, саъй-ҳаракатларимиз қадр ва эъзоз топмоқда, рағбатларга сазовор бўляпти.Корхонамизда кўплаб соҳа ходимлари учун қулай ва импорт ўрнини босувчи махсус либос ва пойабзаллар тайёрлаймиз. Уларни ишлаб чиқаришда хорижий дастгоҳлар қувватидан, илғор замонавий технологиялардан самарали фойдаланаяпмиз. Хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун яратилган имкониятлар ҳам Мустақиллигимиз туфайли бўлиб, айни пайтда экспортни йўлга қўйишга интилаяпмиз.

Мен тадбиркорликни танлаб асло кам бўлмадим. Республикамиз Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг Учтепа туман босқичида 2 йилдан буён иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритдим ва шаҳар босқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси ғолиби бўлиб келмоқдаман. Буларнинг барчаси мустақил юртим эъзози, буюк неъмат — Мустақилликнинг шарофатидир. Айни пайтда зиммамиздаги буюртмаларни тез ва соз адо этиб, янги моделлар яратиб қутлуғ айёмни ўзгача шукуҳ билан кутиб олишга интилаяпмиз.

ЙИРИК МАДАНИЯТ ВА ФАН МАРКАЗИ

Тошкент Марказий Осиёнинг машҳур маданият ва фан марказларидан биридир. Тарихан Буюк Ипак йўлида жойлашиб, Тошкент Шарқ ва Ғарбнинг биродарлик учрашуви, маданиятлараро ва динлараро мулоқот макони бўлиб келган. Ҳозирги кунда ҳам Тошкент тинчлик рамзи сифатида маданий турфахилликни тараннум этишда давом этмоқда. Таълим, фан ва маданият бўйича Ислом ташкилоти 2007 йилда Тошкент шаҳрини ислом дунёсининг маданий пойтахти деб эълон қилди.

Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра шаҳар дастлаб эрамиздан олдинги III-II асрларда Шоштепа ёдгорлиги ўрнида пайдо бўлган. Қадимги Хитой манбаларида Когюй подшолиги таркибига кирган Юни вилояти тилга олинади ва бу вилоят пойтахтининг номи ҳам Юни деб юритилган. Бир қатор олимларнинг фикрларига кўра Шоштепа мана шу Юни шаҳрининг бизгача етиб келган харобаларидир. Шоштепа ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган ва бу ёдгорликда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг археологик экспедицияси бир неча ўн йилдан буён археологик қазиш ишларини олиб бормоқда. Тадқиқотлар натижалари асосида ўнлаб илмий мақолалар ва бир нечта монографиялар чоп этилган. Шаҳарда эрамиздан аввалги III-II асрлардаёқ ижтимоий ва диний хусусиятларга эга бўлган йирик меъморий иншоотлар барпо этилган.

Милодий эранинг V-VI асрларига келиб Шоштепа ўрнидаги шаҳар пойтахт сифатида ўз фаолиятини тўхтатади. Тарихий тараққиёт тақозоси билан бунёд этилган янги пойтахт шаҳар Шоштепадан 6-7 км шарқда қад ростлайди. Бу шаҳарнинг харобалари бизнинг кунларга ҳозирги темир йўл вокзали яқинидаги Салор ариғи ёқасида жойлашган Мингўрик ёдгорлиги кўринишида етиб келган. Бу ёдгорликда олиб борилган археологик тадқиқотларнинг натижаларига кўра бу ерда арк ва қалъадан иборат бўлган қадимги аҳоли манзили VII-VIII асрларда тўлақонли шаҳар сифатида воҳанинг пойтахт шаҳри мақомига эга бўлган. XIX асрларга оид хариталардаги маълумотларга кўра шаҳар харобалари 30 гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган. Ҳозирги кунларда унинг тахминан 1,5 гектарга яқин майдони сақланиб қолган. Ёдгорликда илк ўрта асрларга оид йирик сарой харобаларининг каттагина қисми очиб ўрганилган. Ўрта асрларга келиб шаҳар арк, шахристон ва рабоддан иборат бўлган ўрта аср шаҳри кўринишини олади.

IX-XII асрларга оид араб манбаларида Шошнинг янги пойтахти сифатида Бинкет (Бинакет, Банокат) шаҳри тилга олинади. Шаҳар ҳозирги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар ҳудудида мавжуд бўлган ва унинг асосий қисми замонавий иморатларнинг тагида қолиб кетган. Ўрта аср манбаларида келтирилишича, Бинкет (Бинакет, Банокат) арк, шахристон (мадина) ва иккита рабоддан ташкил топган. Шаҳарнинг меъморий иншоотлари қолдиқларини ўрганиш учун археологлар томонидан 200 дан ортиқ қазишмалар, шурфлар ва кесмалар қилинган, шаҳарнинг XIX асргача бўлган тарихий топографик режаси тикланган. Арк ва шахристоннинг дастлабки майдони 20 гектарни, биринчи рабоднинг майдони 60 гектарни ташкил этган.

Турли хил халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликда Тошкент тарихи бўйича археологик тадқиқотлар XX асрнинг бошларида бошланиб, ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Қатор археологик экспедициялар натижаларига мувофиқ, шу маълум бўлдики, Тошкент шаҳрига 2200 йил аввал асос солинган.

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, Тошкент қадимда Чоч номи билан танилгандир. Чоч давлатининг қадимги тангалари Тошкент шаҳри тарихини ёритишда йирик манба ҳисобланади. Сўнгги 25 йил давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, олимлар (маҳаллий ва хорижий) шаҳар дастлаб эрамиздан олдинги III-II асрларда Чоч давлатининг Шоштепа ёдгорлиги ўрнида пайдо бўлганлигига оид илмий далиллар келтирганлар.

Бундан 2200 йил муқаддам Шоштепа ёдгорлиги ўрнида шаклланган, VII-VIII асрларда Мингўрик ёдгорлиги ўрнига кўчган ва IX асрда ҳозирги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида Бинкет (Бинакет, Бинокат) номи билан қайта бунёд бўлган қадимий Тошкент шаҳри Марказий Осиёнинг йирик маданият ва илму фан марказларидан бири сифатида ҳозирги кунларгача фаолият кўрсатиб келмоқда.

Феруз ЖЎРАЕВ

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР ҲАРАКАТИ

«Камолот» ЁИҲнинг Учтепа туман бўлими фаоллари пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб «Қўрғонтепа» маҳалласи ҳудудида «Тошкент шаҳрим — гўзал маконим» лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ишларини амалга оширишди.

Кун давомида ёш бунёдкорлар Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, 74-мактаб ўқувчилари ҳамда маҳалланинг ташаббускор ўғил-қизлари билан биргаликда маҳалла ҳудудидаги 11 та кўп қаватли уйнинг ён-атрофларини тозалаб, тартибга келтиришди.

— Ўтган деярли бир ой ичида туман миқёсида 20 дан ортиқ маҳаллада ҳашар уюштирдик, — дейди «Камолот» ЁИҲ туман бўлими раиси ўринбосари Лола Закрилаева. — «Тошкент шаҳрим — гўзал маконим» шиори остида ўтаётган ободонлаштириш тадбирларида «Маҳалла» жамғармаси ва халқ таълими бўлими яқиндан ёрдам бермоқда. Назаримизда, ҳамкорликдаги ишларимиз бесамар эмас. Хусусан, «Нишабарик», «Ўткир», «Бирлик», «Найман», «Ватан», «Ширин», «Фарҳод» маҳаллалари аҳли саъй-ҳаракатларимиздан қониқишгани ҳолда бизга миннатдорчилик билдиришмоқда. Галдаги манзил — «Қўрғонтепа» маҳалласида ўтказилган ҳашарда 80 нафар тенгдошимиз қатнашган бўлса, атиги олти киши ҳаракатимиз аъзоси, қолганлар – кўнгиллилар, яъни шу маҳалла ўғил-қизларидир. Демак, асосий мақсад – ободлик сари ёшларни бирлаштиришга эришдик.

Кун давомида яхши меҳнат қилганлар эса ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Зебунисо НАЗИРОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Алоқа

БУЮРТМА БЕРИЛДИ

«Кучланиш ошиб кетишидан ҳимоя» воситаси қурилмаси энг яхши техника ижодкорлиги деб баҳоланди.

Авария ҳолатларини кескин камайтириб, таъмирлаш учун йиллик сарф-харажатларини уч ярим миллион сўмга тежаш имконини берадиган қурилма Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг иккинчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Ушбу электрон блокни саноат асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида «Фотон» корхонасига буюртма берилди.

АХБОРОТ-КУТУБХОНАЛАРГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ахборот-кутубхона марказлари фаолиятини янада яхшилаш масаласи кўриб чиқилди.

Унда ярим йил давомида ахборот-кутубхона марказлари фонди катта миқдорда ортганлигини маълум қилишди.

Марказларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг ҳудудий филиалларини очишга ҳам киришилди. Бу эса ягона ахборот-кутубхоналар тармоғини шакллантириш имконини беради.

ЭЛЕКТРОН АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Илмий-техникавий ва маркетинг тадқиқотлар маркази ўз тарихий музейига эга.

Бу ерда намойиш қилинаётган экспонатлар орасида марказ томонидан амалга оширилган ихтиролар нашрлари ҳам бор.

Музейда электрон кутубхона ҳам ташкил этилди. Ундан электрон адабиётлар қаторида электрон атамалар луғати ҳам ўрин олди.

Акбар АЛИЕВ

Янги ўқув йили яқинлашмоқда. Шундай бўлсада, таълим муассасалари кун тартибида битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолаётир. Бунга изоҳ талаб бўлмасада, бироқ айни пайтда ўринлидир. Ҳар бир ўқитувчи – хоҳ мактаб, коллеж ёки институт бўлсин – нафақат ўқув жараёнига масъул, балки ўз тарбияланувчиларининг кейинги тақдирига, хусусан, иш билан таъминланганлиги, жамиятда муносиб ўрин эгаллаб, яратувчанлик жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб етиши учун ҳам жавобгар эканлигини яхши англайди. Қолаверса, бу борадаги эришилган пировард мақсад ўқитувчи меҳнатига берилган ҳақиқий баҳодир.

Ижтимоий ҳамкорлик доирасида

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Жорий йилда биргина ўрта махсус ўқув юртларини республика бўйича 356555 ёш мутахассис, шу жумладан 39748 таси пойтахт коллеж ва лицейларини битирди.

Ҳар бир битирувчи жорий йил сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигигача аниқ иш жойи билан таъминланишига ҳамда тест синовларидан келиб чиққан ҳолда олий ўқув юртида таҳсил олишига эришиш лозим. Куни кеча биринчи ярим йиллик якунлари ва галдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда шаҳар фаоллари зиммасига ана шундай топшириқ юклатилди. Бу эса битирувчиларни бандлигини таъминлаш масаласи оила ва ўқув муассасалари доираси билан чекланибгина қолмаётганлигидан далолатдир. Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасида олиб борилади. Демак, фарзандларимиз келажаги учун ҳамма бирдек масъулдир.

Ёшларни ишга жойлаштириш борасида таълим муассасалари томонидан ҳамкорликда янги самарали услубларни жорий этиш борасида кўплаб изланишлар қилинаётир. Чунончи, йил бошидан ўрта махсус ўқув юртлари маъмурияти ўқувчи амалиёт ўташ учун юборилаётган хўжалик субъекти раҳбарияти номига аввалидан уч томонлама шартнома тузиш таклифи билан чиқишни йўлга қўйди. Шу пайтгача айрим касб-ҳунар коллежлари бандликка кўмаклашувчи марказлар иштирокида иш берувчилар билан ижтимоий шерикчиликка эришган бўлиб, бунинг асосида ўқувчи гувоҳномасини қўлга киритгач, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Аммо бундай тажриба, қайд этилганидек, фақат қисман коллежларга тааллуқли. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси шарҳига кўра, уч йил давомида давлат номидан ёш мутахассисни тайёрлашга масъул бўлган ўқув юрти раҳбарияти, касбга бўлган меҳрини илк амалда синаб кўрган бўлажак битирувчи ҳамда ўқувчига бундай имкониятни яратиб берган иш берувчи мазкур шартноманинг иштирокчилари ҳисобланади. Шаҳар фаоллари йиғилишида Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарияти номидан жорий йил бошидан 80 фоиздан зиёд шартнома тузишга эришилгани қайд этилди. Келгуси ой бошида аслида қанча битирувчи ишга жойлашиш шартномасига эга эканлигини ҳисоблаш қийин эмас.

Фаоллар йиғилишида яна бир рақамга шарҳ бериб ўтилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, 12244 нафар битирувчи, яъни умумий ҳисобдан 30 фоизи ишга жойлаштирилган. Демак, ҳозирча ушбу масала очиқ қолмоқда.

— Банд бўлмаган аҳолининг эҳтиёжини қондиришда кейинги пайтда ўтказилаётган бўш иш жойлари ярмаркалари анча самарали восита сифатида эътироф этилаётир. Айтиб ўтиш жоизки, бундай тадбирлар аввалари анъанавий тарзда туман бандликка кўмаклашувчи марказлари кучи билан уюштирилган бўлса, эндиликда бир қатор манфаатдор тузилмалар ҳамкорлигида ташкил қилинаётир. Самара эса оддий, аммо энг муҳим сабаб – у ҳам бўлса томонларнинг манфаати ягона бир нуқтада тўхтаётгани туфайли эришилмоқда.

Бунга яқинда пойтахтимиздаги Бобур номидаги истироҳат боғи ҳудудида битирувчилар ҳамда банд бўлмаган аҳоли учун ташкил этилган шаҳар бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам мисол бўла олади. Икки кун давом этган мазкур тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси томонидан «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил этилди. Албатта, ярмарка айнан шу тарзда уюштирилишига бевосита иш берувчилар ҳам катта қизиқиш билдирди. Ва айтиш лозимки, ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликда қилинган бу ҳаракатнинг натижаси ҳам шунга яраша бўлди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасидан олинган сўнгги маълумотларга кўра, ярмаркага 28,8 минг киши ташриф буюрган бўлса, шундан 14870 нафари йўлланма олган. Ўтган ўн кун давомида 8343 таси доимий иш жойига эга бўлган. Албатта, ушбу тадбирнинг асосий иштирокчилари — коллеж ва институт битирувчиларидир. Улар орасида — ўқишни давом эттириш ёки ишлаш танлови олдида турган ўғил-қизларимиз ҳам кам эмасди.

— Муҳими, ушбу рақамлар ортида ҳаётда ҳали ўзининг ўрнини топиб улгурмаган минглаб ёшларимизнинг тақдири туришини унутмаслигимиз даркор. Шу нуқтаи назардан, бир йил давомида ҳар бир йўлланма нечоғлик кучга эга эканлигини ўрганиб борамиз, — дейди шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Комилжон Ғуломов. – Қайд этилган тузилмалар билан ҳамкорлигимиз биринчи йил эмас, натижалар ҳам, назаримизда, ёмон бўлмаяпти. Чунончи, шу йил март ойида ўтказилган худди шундай ярмаркага 25,8 минг киши келган бўлиб, 12561 таси йўлланма олган. Бугун маълумки, улардан 10 мингдан кўпи доимий иш билан банд бўлмоқда.. Бу сафарги таҳлил ҳам ижобий бўлишига ишониб қоламиз... Бундай тадбирларнинг долзарблиги ҳақида гапирганда, дунёда юз бераётган жараёнларга таққослаш ўринли. Хорижий матбуотдан маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли кўплаб ривожланган давлатларнинг йирик-йирик компаниялари касодга учрамоқда, минглаб одамлар ишсиз қолмоқда. Инфляция даражаси кун сайин ошиб бораётир. Бу ҳақда, ишончим комилки, мамлакатимиз фуқаролари яхши воқиф ва фақат давлатимиз раҳбари томонидан вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли биз инқирознинг жиддий кўринишларидан холис бўлаётганимизни ҳам тушуниб етишмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президентининг бу борадаги узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати ҳақчиллигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. 2012 йилгача белгиланган Инқирозга қарши дастур иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга, янги иш ўринларини ташкил этишга, аҳоли даромадларини оширишга йўналтирилгандир. Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, республикамиз раҳбарининг «Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — замон талаби» маърузаларида, хусусан, паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш масаласида маҳсулот рақобатбардошлигини кўтариш зарурлигига эътибор қаратилиб, бунинг учун зарур маблағ ва манбаларни ишчи-ходимларни қисқартириш эвазига эмас, балки ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича катта ва кичик лойиҳаларни излаш йўли билан топиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Айнан шу мақсадларда шаҳарда махсус ишчи гуруҳи ҳам ташкил этилган бўлиб, хўжалик субъектларининг кўплаб муаммолари ҳал этилмоқда, жумладан, маблағни конвертация қилиш, кредит олиш, божхона декларацияларини расмийлаштиришда юзага келаётган баъзи масалалар ечимида тезкор амалий ёрдам бериб келинмоқда. Бундай ишчи гуруҳлар туманлар кесимида ҳам фаолият юритмоқда. Бу борада амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар шу жумладан аҳолини иш билан банд қилиш масалаларида ҳам ўз ижобий натижасини бераётир. Чунончи, жорий йил биринчи ярим йиллигида 47812 та янги иш ўрни ташкил этилди. 14 та ишлаб чиқариш корхонаси фойдаланишга топширилиши, шунингдек амалдагиларида таркибий ўзгаришлар ҳисобига 5669 та иш ўрни яратилди. Уй шароитида 5544 нафар киши иш билан таъминланди. Янги иш ўринларининг 12,3 фоизи Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида яратилди.

— Шу ўринда долзарб бўлиб қолаётган одамларни ноқонуний ишга жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб ўтмоқчиман, — давом эттирди К.Ғуломов. — Сир эмаски, кейинги йилларда баъзи фуқаролар, айниқса ёшларимиз, катта даромад олишга ружу қўйиб, ноқонуний йўл билан билиб-билмасдан одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларга ишонган ҳолда хорижга чиқиб кетди. Таҳлилларга қараганда, уларнинг кўпчилиги аниқ иш жойига эга бўлмаганлиги сабабли ачинарли турмуш тарзи юритишга мажбур бўлиб қолмоқда. Фуқароларимиз манфаатини таъминлаш, одам савдосига оид жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун, шунингдек давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этиб келинмоқда. Бундай жиноятчиликка қарши курашиш кучайтирилиши, шубҳасиз, биринчи навбатда инсон эркинлигига таҳдид солаётган шахсларни аниқлашга йўналтирилган. Инсон қадр-қиммати ва эркинлигига нисбатан кўзланаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш борасида биринчи навбатда аҳолининг бандлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишимиз даркор. Ҳамкорликда уюштирилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари шу мақсадни кўзлайди...

Дарҳақиқат, буни бевосита ушбу жараён иштирокчилари, яъни ярмаркага иш излаб келган фуқароларимизнинг ўзлари ҳам эътироф этишмоқда. Дилдора ва Нилуфар Маҳкамовалар эгизак эмас, бир йилда туғилишган, аммо бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшашади. Бу йили Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежини битиришган. Нилуфар Тошкент Тиббиёт академиясига тест синовларини топширишга улгурди, Дилдора эса онаси каби патронаж ҳамшира бўлишни ният қилган.

— Ярмарка мисолида шуни алоҳида айтиб ўтмоқчи эдимки, давлатимиз томонидан биз, ёшларга катта ғамхўрлик кўрсатилаётир, — дейди Нилуфар. — Бугунги кунда ўрта махсус ўқув юрти битирувчиси 11-синфни тамомлаган тенгдошидан анча юқори поғонада туради, яъни имконияти анча кўп, бир эмас, балки иккиучта мутахассисликка эгадир. Агарда олий ўқув юртига омадим чопмаса, ҳеч қандай тўсиқларсиз ишга киришим мумкин. Очиғини айтиш керак, аввалига мени баъзилар гўё вакансиялар бўлмагани сабабли ҳамшира бўлиб бирон-бир иш топиш қийин деб қўрқитишарди. Хавотирга ўрин йўқ эканлигига ярмаркада амин бўлдим. Ҳар бир туман миқёсида камида 15-20 тагача бўш ўрин борлигини ҳам санаб чиқдим. Демак, танлаш имкониятимиз бор...

Икки кун давом этган мазкур ярмаркада 21243 та бўш иш ўрни таклиф этилиб, шундан 9955 таси энг кўп учрайдиган мутахассисликлар бўйича бўлди. Бироқ аҳамиятлиси шундаки, анъанавий ишчи касблари қаторида нуфузли йўналишлар бўйича ҳам бўш иш ўринлари кенг намойиш этилди. Жумладан, шаҳримизда фаолият юритаётган тиббиёт муассасаларида 875 та шифокор ва ҳамширага эҳтиёж бор, бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва турли хизмат кўрсатиш соҳаларида 401 та муҳандис ва 112 та иқтисодчи-ҳисобчи ўрни бўш.

Дарвоқе, ярмаркада ўз имкониятларини кўргазмали равишда кенг тарғиб этган Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг ходимлар бўлими вакиллари изоҳига қараганда, вакант жойлардан ташқари, мазкур тиббий муассасада, хусусан, доимий равишда ходимлар заҳирасини шакллантириш, шу жумладан кичик мутахассисларни танлаб бориш бўйича алоҳида комиссия фаолият юритади. Бунинг учун марказга ишга киришни истаганлар ўзи ҳақида резюме-маълумотнома топширади, комиссия эса «имтиҳонланувчининг» фақат чуқур назарий билимига эмас, балки аввалambор беморнинг қалбига йўл топа олиш қобилиятига ҳам эътибор беради.

Қизиғи, ярмаркага анча муддат давомида ўзимизнинг ички бозорда норасмий равишда фаолият юритган фуқаролар ҳам иш излаётгани гувоҳи бўлдик. Шаҳар прокуратураси маълумотларига кўра, ўтган олти ой ичида бирон-бир ҳужжат расмийлаштирилмасдан, ижтимоий имтиёзлар кафолатисиз савдо ва умумий овқатланиш тизимида ишлаб келаётган 12 мингдан зиёд кишининг меҳнат фаолияти қонунийлаштирилди. Яккасарой туманида истиқомат қилаётган Николай Н. эса ўз хоҳиши билан бизга қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Уч йил давомида мен Қозоғистонда норасмий ишладим. Даромад ёмон бўлмади, аммо бунинг учун нималарни бошимдан кечирмадим...— деди суҳбатдошимиз. — Ярмаркага маҳалламиздан таклиф этишди. Аёлим ва бу йил коллежни битирган ўғлим билан келиб, катта таассурот олдим. Ҳокимлик, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари, бошқа кўплаб тузилмалар томонидан биргаликда мана шундай катта тадбир ташкил этилиб, ҳаттоки маҳаллаларга «Мерседес» автобуслари шай қилингани одамларга қулайлик яратиш мақсади кўзланганидан далолатдир. Бўш иш ўринлари кўп экан. Таклифлар ҳам турлича. Мен ўзим дурадгорлик билан шуғулланаман, мақтаниш эмаску, малакам юқори. Бу ерда Тошкент вагон таъмирлаш заводи таклифи менга анча маъқул келди. Агарда синов муддатидан сўнг ойлик маошига қўшимча берилса, бу корхонага ишга жойлашишга ҳаракат қиламан. Фурсатдан фойдаланиб, мен кабиларга кўрсатилаётган бундай эътибор учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирмоқчиман...

Кўпчилик бундай тадбирлар бир вақтнинг ўзида шаҳар миқёсида мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳақида кўргазмали равишда яқиндан танишиб, аниқ маълумот олишда ҳам қулай имконият деган фикрни билдиришди. Тўғри, кимдир ярмарка орқали кўнгли истаган ишни топа олмаслиги ҳам мумкин, лекин мутасадди мутахассисларнинг ўринли маслаҳати ҳеч қачон фойдадан ҳоли бўлмаган.

Ёшларимиз ўқув йилида янги очилаётган Бектемир туманидаги биринчи касб-ҳунар коллежига катта қизиқиш билдиришди. Мазкур ўқув юрти телевидение ва радио соҳаси учун кичик мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштирилган. Дарвоқе, эндиликда шундай йўналишда Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам янги факультет очилиб, илк талабаларини қабул қилиш арафасида. Бектемир касб-ҳунар коллежи айнан мазкур олий ўқув юрти учун биринчи босқич мутахассисларини тайёрлайди. Тошкент автомобиль йўллари институти эса талаб юқори бўлгани боис бу йили техник йўналишда иккинчи академик лицейни очишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу ерда физика ва математикадан ташқари, хорижий тиллар ҳам чуқур ўргатилиши кўзда тутилган.

Бундан хулоса шуки, бўш иш ўринлари ярмаркаси талаб ва таклиф чегарасига, яъни қайси касбга бугун талаб бору қай бирига унчалик эмас масаласига ҳам ойдинлик киритади. Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги маълумотларига кўра, кейинги ўн йил ичида ушбу икки тизимда 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланган. Жумладан, пойтахтимиздаги 116 та ўрта махсус ўқув юртида ўғил-қизларимиз 180 дан зиёд мутахассислик бўйича таҳсил олаётир. Лекин айни пайтда бизни, давлатимиз раҳбари жорий йил устувор вазифаларини белгилашда алоҳида урғу бериб ўтганидек, ғоят бир муҳим масала безовта қилмаслиги мумкин эмас. Ёш мутахассислар тайёрланаётган ихтисослик йўналишларининг барчасига ҳам иқтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларида амалий талаб борми, деган савол ўйлантиради, албатта. Лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимиз жамиятда ўзига, ўз касбига муносиб ўрин топаяптими? Давлатимиз раҳбари бу борада ўз тавсияларини берар экан, жумладан, шу масалалар бўйича ҳақиқий аҳволни атрофлича ўрганиш, ҳозирги вақтда мутахассислар тайёрланаётган ҳар қайси ихтисослик йўналиши бугунги ҳаёт талабларига қай даражада жавоб бериши, унга нафақат бугунги, балки яқин истиқболда қандай эҳтиёж борлигини ҳар томонлама аниқлаш, заруратга қараб, йўналишларга қатъий ўзгартиришлар киритиш лозимлигини таъкидлайди. Ўтган вақт ичида вазият ижобий томонга анча ўзгарганини эса бўлиб ўтган шаҳар бўш иш ўринлари ярмаркаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази хабар беришича, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва Иқтисодиёт вазирликлари, мазкур марказ ва ҳокимликлар айнан шу йўналишда тегишли ишларни олиб бормоқда. Ўтган йили 209 та касб-ҳунар коллежида 114 та янги касбий йўналишлар жорий этилди, 178 тасида эса 80 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди. Айрим таълим муассасалари тўлиқ ёки қисман йўналишини ўзгартирди. Албатта, бундай хулосага келишдан аввал, ёшларнинг бандлиги масаласи танқидий ўрганилди, барча мутахассисликлар меҳнат бозорида бугун ва истиқболда талабгорлигига аниқлик киритган ҳолда қайта кўриб чиқилди. Шу тариқа касб-ҳунар таълими ва меҳнат бозори талаблари мувофиқлиги аниқланди. Бу йили инвестиция дастурига мувофиқ яна бир қатор янги корхоналар фойдаланишга топширилиши кутилмоқда, катта эътибор инфратузилмани, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётир.

Айтиш керакки, жорий йил биринчи ярим йиллигида умумий ташкил этилган янги иш ўринларининг 64 фоизи тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Бундай ўсиш сурьатлари, шубҳасиз, меҳнат ресурслари кўпайиши, меҳнат бозорида юзага келадиган бўшлиқлар ҳисобига бандликка бўлган талабни мувофиқлаштириб бориши ҳам мумкин. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда, ўқув юртларида айрим йўналишлар бўйича қабул сони кўпайтирилди. Жумладан, муҳандислик, хизмат кўрсатиш соҳаси, нефть ва газ, тоғ-руда тармоқлари, электр ва иссиқлик, меъморчилик ва қурилиш, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатига тааллуқли мутахассисларга талаб катта бўлиб бормоқда. Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар меҳнат бозори талабига асосланиб, давомий бўлиб қолади.

Хуллас, аҳолини, айниқса ёшларимиз бандлигини таъминлашда таъсирчанликка эришиш йўлида изланишлар давом этмоқда. Қай бири бугун долзарб, қай бири истиқболга эга эканлигини эса вақтнинг ўзи кўрсатади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Маданиятимиз тарихини ўрганамиз

ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ РИВОЖЛАНДИ

Ўрта Осиёнинг Туркия, Афғонистон, Эрон, Хитой каби давлатлар билан маданий-мусиқий, қўшиқчилик алоқалари мустаҳкам бўлган.

Давлатлар ўртасидаги алоқаларда мусиқа асбобларини бир-бирига совға қилиш ҳам анча ривож топди. Хонликлар бошқа давлатларга асосан «тулунбаслар», яъни ҳарбий барабанлар жўнатар эди. Уларнинг олтин-тиллолар билан безатилганлиги, ҳаддан ташқари гўзаллиги ҳамда амалий фойдалилиги бошқа давлатлар томонидан тан олинганди.

XVI асрда ҳозирги Ўзбекистон, хусусан, Бухоро маданий ҳаётида мусиқашунос Нажмиддин Кавкабий Бухорийнинг роли катта бўлган. Унинг ижоди Шайбонийхонлар саройида, хусусан, Убайдуллахон (1533-1539) ҳузурида ўтди. Кавкабий мақомларнинг 12 та тури ҳақида, профессионал мусиқа, халқ оғзаки ижоди хусусида қатор тадқиқотлар олиб борди, уларда қўшиқчилик санъатининг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларини янада ривожлантирди.

Нажмиддин Кавкабий Бухорийнинг асосий асарларидан бири «Мусиқий рисола» («Рисолайи мусиқи») бўлиб, у ўша даврдаги барча қўшиқчилар учун амалий қўлланма сифатида хизмат қилди. Муаллиф ўз асарини ва умуман мусиқашунослик илмини Абу Наср Форобий ва Абдулқодир Мароғий кабиларнинг қўшиқчилик назариясига суянган ҳолда яратди ва шу асосда ушбу санъат турларининг янада ривож топишига йўл очди.

Ўзбек-тожик қўшиқчилик санъатини ривожлантиришда Кавкабийнинг 12 та мақом ва 24 та шўъба тизимига оид нуқтаи назари муҳим аҳамият касб этди. Булар Кавкабийнинг Бухорода ўзига хос қўшиқчилик мактаби яратилганидан далолат беради. Кейинчалик Кавкабийнинг шогирдлари Ҳожи Муҳаммад, Мавлоно Ризо Самарқандий ва бошқалар унинг ғояларини, айниқса «Мусиқий рисола»сини ўзлари учун мусиқий-поэтик қўлланма қилиб олдилар.

Бухоро шашмақомларининг матнлари биринчи марта Нажмиддин Кавкабий асарларида қайд этилганидан бу асарлар XVI асрга келиб шаклланиб бўлган, дейиш мумкин. Кейинчалик қўшиқнинг мазкур жанри Хива, Фарғона ва Тошкентда ҳам кенг тарқалди. Бухоро мақомлари таркибида кейинчалик 6 та асар «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири икки бўлимга — чолғу куйлари (мушкулот) ҳамда қўшиқчолғу бўлимига (наср) ажралди. Иккинчи бўлимга айни пайтда рақс ҳам кирган.

Қўшиқчилик санъатида мақом алоҳида ўрин эгаллайди. Мақомнинг пайдо бўлиши хусусида мулоҳаза юритишдан аввал XVII асрнинг буюк мусиқачиси Чангий ва мусиқий-қўшиқчилик маданий мероси тўғрисида қисқача тўхтаб ўтиш жоиз. Унинг асарлари мусиқага оид фикрларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Чангий бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ, мусиқа асосларинигина баён қилиб қолмай, балки асарларининг катта қисмини турли даврларда яшаб ижод этган қатор мусиқачилар фаолияти, шунингдек, саройдаги мусиқа созлари тавсифига ҳам бағишлайди.

Дарвишалининг тўлиқ исми — Дарвишали ибн Мирзоали ибн Хўжа Абдулло ибн Хўжа Муҳаммад Марварид бўлиб, Ўрта Осиёда XVI-XVII асрларда яшаб, ижод этган мусиқашунос, бастакор, созанда, ҳофиз, шоир ва олимдир. Бизгача унинг «Туҳфат ус-сурур» ёхуд «Рисолайи мусиқи» асари қўлёзмаси ҳамда бир қанча қасида, ғазал ва рубоийлари етиб келган. «Рисолайи мусиқий» асари XVI-XVII асрлар мусиқий ёдгорлиги сифатида қимматлидир. Дарвишали ўз ғазалларига Чангий тахаллусини қўйган.

Асар бошида Дарвишали Чангий ўзи ҳақида маълумот берар экан, ёшлигиданоқ мусиқага қаттиқ қизиққанлигини, хусусан, чанг созига жуда ишқибоз бўлганини таъкидлайди. Ўша даврдаги Моваroуннаҳрда аштархоний Имомқулихон (1611-1642) саройидаги санъаткорлар орасида Дарвишали пешқадам бўлган. Муаллиф ўз асарини Имомқулихонга бағишлаб ёзган эди. Бу «Рисолайи мусиқи» асари ўтмиш қўшиқчилик маданиятимиздан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий-маданий меросдир.

Чангий қўшиқчилик санъатининг асосини ташкил этган 12 та мақомнинг келиб чиқиш тарихини айрим ривоятлар билан изоҳлайди. «Қиссас-ул анбиё Рабғузий» асарида эса мақомларнинг ўтган пайғамбарларга боғлиқлиги таъкидланади. Бундан кўринадики, Чангий мақомларни илоҳийлаштириш орқали уларни «шаръий ҳодиса» қилиб кўрсатмоқчи бўлган.

Муаллифи номаълум бўлган яна бир «Рисолайи мусиқий»да таъкидланишича, юнон олими Афлотун (эрамиздан аввалги VI-V асрлар) мақомларни йилнинг 12 буржига мослаб яратган. 1.Рост мақоми — Ҳамал. 2.Исфахон мақоми — Савр. 3.Ироқ мақоми — Жавзо. 4.Зирафканд мақоми — Саратон. 5. Бузрук мақоми — Асад. 6.Ҳижоз мақоми — Сунбула. 7.Буслик мақоми — Мезон. 8.Ушшоқ мақоми — Акраб. 9.Наво мақоми — Қавс. 10.Ҳусайний мақоми — Жадий. 11.Зангула мақоми — Далв. 12.Раҳовий мақоми — Ҳут.

Яна бир муаллифи номаълум «Рисолатун-фи-илм ул-мусиқий» рисоласида 12 та мақомни Юсуф пайғамбар ихтиро этган, дейилади. Рисолада кўрсатилишича, бир куни Юсуф ўз одамлари билан Нил дарёси бўйида келаётганида дарёдаги катта бир тошга кўзи тушади ва ўз одамларига уни чиқариб олишга фармон беради. Одамлар тошни чиқариб олиб, катта бир сахрога етиб борадилар. Сахрода бу йўловчилар очлик, ташналик боис ҳолдан тойиб, ҳалок бўла бошлайдилар. Шунда Юсуф Худога илтижо қилиб, ундан нажот сўрайди. Бунга жавобан осмондан «Ҳассангни тошга ур, ҳой Юсуф!» деган садо келади. Юсуф шундай қилган экан, тош устида 12 та тешик пайдо бўлиб, улардан сув отилиб чиқа бошлабди. Осмондан яна «Ҳой Юсуф, бу товуш ва оҳангларни эсингда сақла!» деган нидо келибди. Демак, ушбу ривоятдан шу нарса маълум бўлмоқдаки, мақом санъатининг тарихи жуда кўҳна ва ўз ўқ илдизлари билан инсоният пайдо бўлишининг илк босқичларига бориб тақалади. Мақомлар ўша қадим замонлардан буён кишиларни руҳан тетиклаштирувчи, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи восита сифатида тинмай хизмат қилиб келмоқда.

Мақом — оҳангга жойланган тафаккурдир. У — қоғозга битилмаган, тошга ўйилмаган китоб. Уни на араб босқини, на Доронинг исфахоний шамшири, на мўғул қоонларининг шиддатли сафи йўқ қила олди. Мана, жангу жадаллардан омон чиққан сеҳрли наволар ҳамон одамларни ўйлашга, ўтмиш, бугун ва келажак ҳақида хаёл суришга ундайди. Унинг оҳанглари она заминга меҳр уйғотади.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Инсоният тараққиётининг муқаддимаси ҳам, келажак ҳаётнинг давоми ҳам оила билан боғлиқ. Демак, оилани инсоннинг дунёга келишидан бошлаб унинг ҳаёти давомида катта аҳамиятга эга бўлган кичик бир жамият десак адашмаймиз.

Ёшлар — келажагимиз

ОИЛА — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ юртимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбиясига, соғлиғига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Оилаларнинг тинчлиги-тотувлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш ҳукуматимизнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланди. Мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшларни оилага тайёрлаш, уларнинг ўз саломатликларига эътиборли бўлишлари, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, репродуктив саломатлик, оилада тиббий маданиятни ошириш борасидаги тушунчаларини бойитиш мақсадида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, 2-сон «Шодлик» никоҳ уйи ҳамкорлигида «Оила — ҳаёт гултожи» деб номланган ёш оила қурувчилар мактаби машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, куни кеча 2-сонли «Шодлик» никоҳ уйида «Оила — ҳаёт гултожи» деб номланган ёш оила қурувчилар мактабининг навбатдаги ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Унда ушбу никоҳ уйига ариза билан мурожаат этган, мустақил ҳаёт остонасида турган ёшлар иштирок этишди.

— Ёш оила қурувчилар мактаби ўқув машғулотини ташкил этишдан мақсад, — деди тадбирни кириш сўзи билан очар экан, 2-сон «Шодлик» никоҳ уйи раҳбари Гўзалхон Усмонова, — аввало Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш, ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, ҳақ-ҳуқуқи, бурч ва масъулиятини тушунтириш, оила муқаддас қўрғон эканлиги, уни авайлаб-асраш, тинчлигини таъминлаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизга амал қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишдан иборат. Ёш оила қурувчилар ўртасида соғлом оилани шакллантириш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва тарбиялаш масалалари бўйича мутахассислар томонидан тушунтириш ишларини олиб бориш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича оиланинг тиббий маданиятини ошириш энг муҳим вазифаларимиздандир.

Ўқув машғулотида шунингдек, тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Н.Шайхова «Оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлодни вояга етказиш», Республика Репродуктив саломатлик маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Д.Ҳасанова «Репродуктив саломатлик нима? Оилада соғлом фарзандлар дунёга келиши учун нималарга эътибор бериш зарурлиги, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти» хусусида, Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Г.Каримова оила тотувлигини таъминлашда эр-хотин, қайнона-келин муносабатлари ҳақида гапириб, ёшларга кенг ва атрофлича тушунча ва тавсиялар бердилар.

Семинар машғулоти якунида ёш оила қурувчиларга буклет ва эслатмалар тарқатилди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлиқ жавоблар олишди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада, шу жумладан спортда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилаётир. Бу борада айниқса ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар ўз самарасини бермоқда.

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 апрелдаги қарорига мувофиқ мамлакатимизда профессионал теннис спортини ривожлантиришга қаратилган Республика Олимпия заҳиралари теннис мактабининг ташкил этилганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

— Ушбу даргоҳда бўлажак теннисчилар уч йил мобайнида таҳсил оладилар. Бироқ уларнинг аввал алоҳида синовлардан ўтишлари лозим бўлади, — дейди суҳбатимиз бошида мазкур ўқув юрти директори Самуғ Обидов. — Мактабга ҳар янги ўқув йили олдидан Тошкент шаҳри ва вилоятлардан махсус имтиҳонлар асосида 20 нафар ўғил-қиз қабул қилинади. Зарур хужжатлар июнь-июль ойларида расмийлаштирилиб, имтиҳонлар август ойи бошларида икки йўналишда бўлиб ўтади. Биринчи босқичда теннис техникаси ва тактикаси бўйича тест синовлари ўтказилади, кейингисида — тажрибали мураббийлар болажонларни жисмоний машқларда синаб кўрадилар. Мана шу каби шартлардан аъло даражада ўтган ўсмирлар — асосан 6-синфни тугатган ўқувчилар теннис мактабига қабул қилинади.

Ўтган йили биринчи қабул ўтган бўлса, ҳозирда бу ерда саккиз нафар қиз ва 12 нафар ўғил бола таҳсил олмоқда. Республика Олимпия заҳиралари теннис мактабида ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган.

Бўлажак теннисчиларимиз Валерий Безверхов, Андрей Хлебников каби тажрибали устоз-мураббийлар қўл остида ҳар куни икки маҳал икки соатдан машғулотлар ўтайдилар. Шу билан бирга тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва тажрибасини ошириш мақсадида теннис юлдузларимиз нуфузли халқаро мусобақаларнинг бир неча бор ғолиблари Ирода Тўлаганова, Олег Огородов, Денис Истомин, Оқгул Омонмуродовалар билан тез-тез учрашувлар ташкил этилади. Бевосита теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси билан биргаликда машғулотлар ўтказиб борилиши ҳам улар учун қизиқарли ва фойдалидир.

Бундан ташқари, мактабимиз ўқувчилари учун махсус дам олиш жойлари бўлиб, улар тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар, доимий компьютер хоналаридан фойдаланиш имкониятига ҳам эгадирлар. Энг асосийси — ёш теннисчиларимизнинг жисмоний имкониятлари ва саломатлиги алоҳида назоратга олинган.

Ўтган қисқа муддат ичида тарбияланувчиларимиз дунё теннис кортларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга улгурдилар. Жумладан, Сабина Шарипова, Санжар Файзиев, Алина Абдураҳимова ва Дилмурод Қосимов Австралия, Индонезия, Таиланд давлатларида ўтказилган халқаро турнирларда совринли ўринларга сазовор бўлишди, Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этиб, жаҳон турнирига ҳам йўлланмани қўлга киритишди.

Бундан ташқари, республика Олимпия заҳиралари мактаби томонидан мамлакатимиз миқёсида теннис спортини кенг тарғиб этиш ва истеъдод соҳибларини кашф этиш мақсадида жойларда кўплаб мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Наманган шаҳрида 1996-97 йилларда туғилган ўғил-қизлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Мазкур турнир доирасида шунингдек, ўсмирлар орасидан бўлажак профессионал теннисчилар танлаб олиниб, мактабимизда ўқишга таклиф этилди, умуман кадрлар бобида республикамиз вилоятлари имкониятлари ҳам ўрганилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Айни кунларда янги ўқув мавсумига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Шу билан бирга амалдаги ўқувчиларимиз Туркия, Россия, араб давлатларида бўлиб ўтадиган навбатдаги мусобақаларга мураббийлари ёрдамида ҳозирлик кўрмоқдалар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, келажак бугунги кун ёшларимиз қўлида. Демакки, уларни тўғри тарбиялаш, жисмонан бақувват ва маънан бой қилиб вояга етказиш, яъни келажак пойдеворини яратиш — биз, катталарнинг, ота-она, мураббию устозларнинг зиммасидадир.

Бугунги кунда фарзандларимиз учун яратилаётган имкониятлар эса уларнинг келажакка бўлган ишончини янада оширади. Фурсатдан фойдаланиб, ўсмир ўғил-қизларимизни Республика Олимпия заҳиралари теннис мактабига таклиф этиб қоламиз.

ЎзМУ журналистика факультети талабаси Миржамол ҲОТАМОВ ёзиб олди

Спорт янгиликлари

НЕСТЕРОВ КУЧЛИ ЎНЛИКДА

Спорт оламининг энг машҳур веб-сайтларидан бири - www.goal.com экспертлари Осиёнинг энг кучли ўн нафар дарвозабони рўйхатини эълон қилди.

Унга Ўзбекистон миллий терма жамоаси посбони Игнатий Нестеровнинг номи ҳам киритилган. Шунингдек, қитъамизнинг энг моҳир посбонлари рўйхатидан австралиялик Марк Шварцер, Жанубий кореялик Ли Вун Жа, японияли Сейго Наразаки, эронлик Саид Аҳмад Раҳматий, вьетнамлик Дон Хон Сон, ироқлик Нур Сабрий, индонезиялик Маркус Хорисон ва Бирлашган Араб Амирликлари вакили Мажид Носир ҳам жой олди.

Боҳир БЕК

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси дунё жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Унга кўра мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» жамоаси яна олти поғона юқорилади. Аввалги рейтинг жадвалида 59-ўринда қайд этилган Сколари бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» 53-ўринга лойиқ кўрилди.

Мамлакатимизнинг кўп карра чемпиони ҳисобланган «Пахтакор» рейтинг рўйхатида 110-ўринда бормоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг 29.12.2008 йилдаги 1-765/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ҳамза тумани 4-тор Мўйноқ кўчаси, 15-А-уйда сақланаётган, "МАЗ-54322" русумли, д/р 30I8985 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси ва унинг "МАЗ-9397" русумли, д/р 10С364 бўлган, 1989 йилда и/ч тиркамаси бирга қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 34 479 468 сўм 20 тийин.

Аукцион савдоси 2009 йил 22 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси ва унинг тиркамаси 2009 йил 22 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаси ва тиркамани сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 13 октябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек 2009 йил 3 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига такроран Суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 21.12.2005 йилдаги 10-0807/10101 ва 11.10.2004 йилдаги 10-0410/7540-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Ҳамза тумани Элбек кўчаси, 8-уйда сақланаётган: 1. "ЗИЛ-138" русумли, д/р 10AL131 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 670 000 сўм. 2. "ЗИЛ-130" русумли, д/р 10AL142 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 32 067 000 сўм. 3. "МАЗ-5334" русумли, д/р 10AL141 бўлган, 1984 йилда и/ч автокран автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 128 000 сўм.

II. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 1. ФИБ Тошкент шаҳар Миробод тумани судининг 16.03.2009 йилдаги ажрим қарорига асосан хатланган, умумий майдони 270,42 кв.м., яшаш майдони 44,72 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Захидов кўчаси 23-уйда жойлашган, 12-хонадон. Бошланғич баҳоси – 28 800 000 сўм. 2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.10.2006 йилдаги 1-529/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар "Ўзтемирйўлмаштаъмир" корхонасида сақланаётган, "МОАЗ-546-П" русумли д/р 5599ЕР бўлган, 1985 йилда и/ч автоскрепер. Бошланғич баҳоси – 53 485 200 сўм. 3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.10.2006 йилдаги 1-529/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар "Ўзтемирйўлмаштаъмир" корхонасида сақланаётган, "Жип Гранд Чероки" д/р 30R1793 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 28 547 100 сўм. 4. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 11.09.2006 йилдаги 2-192-06-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, "Москвич-2141" русумли, д/р 11О8740 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 787 500 сўм.

Савдога қўйилган кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

● Бир донишманд:

— Кўркам хулқ — икки нарса билан, яъни илм, адаб ўрганиш ва ёмон ишлардан сақланиш билан топилади, — деган.

— Байт:

Илм, фан нури зимистон
уйини этар мунаввар,
Илм отига минса ҳар ким
мақсадига тез етар.

Байт:

Ғайрат айлаб, эй қўзим, албатта,
ўргангил ҳунар,
Халқимизда бир мақол борким:
«Ҳунардан — кўп унар».

● Илмдан қудратлироқ куч йўқ, билим билан қуролланган одам енгилмасдир.

● Ўқиш, ўрганишда марди майдон бўл! Сенинг қадр-қимматинг — ўз имкониятларингдан тўла фойдаланиб ўқишингдир.

● Билим ва қудрат иккови — эгизак.

● Билим — барча кулфатларга қалқон.

Байт:

Билмаганни сўраб ўрганган — олим.
Орланиб сўрамаган, ўзига золим.

● Эй фарзанд, дилингни илм билан обод қил, илмсиз кишилар билан суҳбат қуриб, умрингни бехуда ўтказма, муваффақиятларингга мағрурланма, ҳасадчиларни уйингга киритма. Дилингни гина-кудуратдан холи тутиб, бировга нисбатан гина сақлама. Яхшилик қилишга интил, яхши кишиларни яхши сўз ва яхши ҳадялар билан сарафроз қил.Тарбия таъсир қилмайдиган кишилар билан яқинлик қилмагинки, бўри ёки илон аҳён-аҳёнда зарар етказади, аммо зарари ҳалокатли бўлади.

● Биров билан маслаҳатлашадиган бўлсанг, ақлли ва доно кишиларни топиб маслаҳатлаш. Олиҳиммат кишилардан ёрдам сўра. Ҳар бир масалани шу муаммони тушунадиган ва шу мавзуга дахли бор одамлар билан биргаликда ҳал қил, паст ҳиммат кишилардан ҳеч вақт яхшилик ҳосил бўлмайди.

● Ҳар ким отаси ва бобоси кўрган ва билганига қараганда кўпроқ кўриш ва билишга интилмоғи лозим.

● Маънавий ҳаётда ҳам амалий ҳаётдагидек, кимки билимга таянсагина тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади.

● Илм шундай нарсаки, бутун куч сарф этилмаса қўлга кирмайди.

Байт:

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

● Илмсиз инсон — мевасиз дарахт.

● Илм — инсон зийнати.

● Илм ва одоб — адоғи йўқ хазина. Кимки унга эга бўлса, қадру қиммати баланд бўлади.

● Фазилатга фақат илму шарафи бор одам лойиқ.

● Ҳунарни қадрламаган оч қолади.

Байт:

Ҳар ким анжир сотиб қорни
бўлса тўқ,
Унга шу ҳунардан устун ҳунар йўқ.
Инсон ҳунаридан ҳурмат кўради,
Дунёда не экса шуни ўради.

● Муаллим ва устознинг вақтлари қимматли эканлигини билиб, айтганларига диққат билан қулоқ сол. Борди-ю бирор нарсани тушунмай қолсанг, одоб ва мулойимлик билан қайта сўрашинг зарур. Улар нима сўрасалар ҳам кулиб туриб, одоб ва икром билан чиройли сўзларни саралаб жавоб бер. Илм масканидан ташқарида ёки кўча-кўйда уларни кўриб қолсанг таъзим бажо қил. Қўлингни кўксингга қўйиб салом бер.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2862 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

12 45

Топширилган вақти: 13.38